



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 25 yil « 17 » aprel

№ 233

Toshkent sh.

Хоразм вилоятида янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун инвесторларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2024-2026 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 15 ноябрдаги ПҚ–394-сон қарори ижросини таъминлаш, Хоразм вилоятига қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, хусусий сектор учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида янги қурилган меҳмонхоналарга бир марталик давлат бюджетидан субсидия ажратиш орқали туризм инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2024-2026 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 15 ноябрдаги ПҚ–394-сон қарорининг 2 ва 3-бандларига мувофиқ Хоразм вилоятида инвесторлар томонидан фойдаланишга топширилган меҳмонхоналарнинг **ҳар бир хонаси учун** Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қуйидаги миқдорларда бир марталик субсидия ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

тоифасиз меҳмонхонадаги ҳар бир хона учун – 10 млн сўм;

1 юлдузли тоифага эга меҳмонхонадаги ҳар бир хона учун – 15 млн сўм;

2 юлдузли тоифага эга меҳмонхонадаги ҳар бир хона учун – 20 млн сўм;

3, 4 ёки 5 юлдузли тоифага эга меҳмонхона учун – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 27 июлдаги ПҚ–238-сон қарорида белгиланган миқдорларда.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Хоразм вилоятида янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун инвесторларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

субсидия ажратиладиган инвесторларга қўйиладиган талаблар;

субсидия олиш учун ариза бериш тартиби ҳамда тақдим этиладиган хужжатлар;

аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби;

субсидия ажратишни рад этиш асослари;

субсидия сифатида ажратиладиган маблағларни инвесторларга ўтказиш тартиби

3. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда мазкур қарор билан тасдиқланган низомга мувофиқ давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали жорий этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматларини кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Хоразм вилоятида янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун
инвесторларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан
субсидия ажратиш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик Низом (кейинги ўринларда – Низом) Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2024-2026 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 15 ноябрдаги ПҚ–394-сон қарорида белгиланган муддатларда инвесторлар томонидан янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

инвестор – меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўз маблағлари, қарз ёки жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилувчи инвестиция фаолияти субъекти;

субсидия – инвесторларга меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида Давлат бюджетидан бир марта ажратиладиган маблағлар;

янги қурилган меҳмонхона – тасдиқланган лойиҳа асосида капитал бино ва иншоот сифатида қурилган ёки охириги ўн йилда меҳмонхона фондида мавжуд бўлмаган ҳолда қайта қурилган ёхуд қурилиш жараёнида ўзгартирилган лойиҳа бўйича жойлаштириш воситаси сифатида янги қурилиб ишга туширилган кўчмас мулк объекти, реконструкция қилинган меҳмонхона бундан мустасно.

3. Субсидия Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2024-2026 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 15 ноябрдаги ПҚ–394-сон қарорида белгилан муддатларда мувофиқлик сертификати берилган янги ташкил этилган меҳмонхона учун унинг тоифаси ва хоналар сонидан қатъи назар ажратилади.

4. Субсидия қуйидаги миқдорларда ажратилади:

тоифасиз меҳмонхонадаги ҳар бир хона учун – 10 млн сўм;

1 юлдузли тоифага эга меҳмонхонадаги ҳар бир хона учун – 15 млн сўм;

2 юлдузли тоифага эга меҳмонхонадаги ҳар бир хона учун – 20 млн сўм.

Бунда меҳмонхона камида икки қаватдан иборат бўлиши лозим.

3, 4 ва 5 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналарга субсидия Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 27 июлдаги ПҚ–238-сон қарорига мувофиқ ажратилади.

5. Инвестор субсидия олиш учун ариза тақдим этиш вақтида қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида назарда тутилган солиқ ва йиғимлар бўйича қарздорлиги бўлмаслиги;

қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида бўлмаслиги;

фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча тўхтатилган бўлмаслиги;

суд қарори асосида тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинган бўлмаслиги;

янги қурилган меҳмонхонага берилган мувофиқлик сертификати ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатнинг (ерни ижарага олиш ҳужжатлари онлайн-аукцион савдолари орқали тақдим қилинган бўлса) мавжудлиги.

2-боб. Субсидия олиш учун ариза тақдим этиш ва уни кўриб чиқиш тартиби

6. Субсидия Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича ажратилади.

7. Инвестор ёки унинг вакили (ариза берувчи) субсидия олиш учун Давлат хизматлари марказига ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасига (кейинги ўринларда – Қўмита) Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қилади.

8. Ариза ариза берувчи томонидан идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (электрон рақамли имзо, дактилоскопия, ягона идентификация тизимидаги логин ва пароль, мобил-ID ва бошқалар) тасдиқланади.

Ариза ЯИДХП орқали тўлдирилганда, ариза берувчининг электрон рақамли имзоси талаб этилмайди.

9. Инвесторга тегишли кўчмас мулкка доир ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатлар Қўмита томонидан “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олиб ўрганилади.

10. Қўмита ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн иш кунида унинг Низомда белгиланган талабларга мослигини ўрганиб чиқади.

11. Аризани кўриб чиқишда қўшимча, шу жумладан, жойига чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, Қўмита ариза берувчини ёзма шаклда ёки электрон ахборот тизими орқали хабардор қилган ҳолда, аризани кўриб чиқиш муддатини ўн иш кунигача узайтириши мумкин.

12. Қўмита аризани ўрганиб чиқиб, бир иш кунида субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида (рад этиш асослари аниқ кўрсатилган ҳолда) қарор қабул қилади ҳамда қарорнинг электрон нусхасини қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунида Давлат хизматлари маркази (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ЯИДХП (электрон тарзда мурожаат қилинганда) орқали ариза берувчига юборади.

Субсидия бериш тўғрисидаги қарорда субсидия миқдори, меҳмонхона номи, юлдуз тоифаси (мавжуд бўлса) ва хоналар фонди, жойлашган жойи (почта манзили) ва унинг кадастр рақами, субсидия олаётган инвестор (юримдик шахс) номи ва СТИР ҳамда тижорат банкидаги ҳисобварағи кўрсатилади.

Субсидия бериш тўғрисидаги қарор нусхаси қарор қабул қилинган кундан сўнг бир иш кунида Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт ва молия вазирлигига (кейинги ўринларда – Иқтисодийёт ва молия вазирлиги) юборилади.

13. Субсидия бериш қуйидаги асосларга кўра рад этилади:

аризада Низомга 2-иловада кўрсатилган маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаганлиги ёки нотўғри кўрсатилганлиги;

ариза берувчи Низомнинг 3 ва 5-бандларида кўрсатилган талабларга жавоб бермаслиги;

меҳмонхона Хоразм вилояти ҳудудидан ташқарида жойлашганлиги.

Субсидия беришни ушбу бандда кўрсатилмаган асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

14. Ариза берувчи субсидия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор нусхасини олган кундан бошлаб кўпи билан икки ой давомида қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиши ҳамда уларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Қўмитага такроран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

15. Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб беш иш кунида қайта кўриб чиқилади. Бунда субсидия беришни янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Низомнинг 13-бандида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг тақдим этилган ариза янги берилган деб ҳисобланади.

3-боб. Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби

17. Субсидия 2025 – 2026 йилларда Давлат бюджети параметрларида ушбу тадбирлар учун кўзда тутиладиган маблағлар доирасида ажратилади.

18. Субсидия ажратиш учун Қўмита Иқтисодийёт ва молия вазирлигига инвесторлар тўғрисидаги маълумотлар ва ажратилиши лозим бўлган маблағларнинг ҳисоб-китоби кўрсатилган буюртманомани тақдим этади.

19. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги буюртманомани уч иш кунида кўриб чиқади ҳамда маблағлар Қўмитанинг тегишли ғазна ҳисобварақларига ажратилишини таъминлайди.

20. Маблағлар келиб тушганидан сўнг беш иш кунида Қўмита уларни инвесторнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақларига ўтказиб беради.

21. Йил якунида Қўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварақларида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари тегишли молия йили якунига қадар Давлат бюджетига қайтарилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

22. Субсидия бериш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилган инвесторлар рўйхати Қўмитанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори ва қўшимча равишда ташкил этилаётган хоналар фонди тўғрисидаги маълумот ҳар ой якуни бўйича янгилаб борилади ҳамда ойлар ва инвесторлар кесимида акс эттирилади.

23. Инвестор субсидия олиш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилиги учун масъул ҳисобланади.

24. Қўмита субсидия бериш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг инвесторга етказилиши учун масъул ҳисобланади.

25. Меҳмонхона субсидия ажратилган даврдан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддатда фаолият юритиши, тоифали меҳмонхона бўлган тақдирда, камида беш йил ушбу тоифани сақлаб қолиши лозим.

Қўмита ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган талабларга риоя этилиши ҳамда субсидиядан мақсадли фойдаланилиши юзасидан мониторинг юритади. Ушбу талабга риоя этилмаган тақдирда, Қўмита Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясига тақдимнома киритади ҳамда субсидия сифатида ажратилган маблағларнинг белгиланган тартибда инвестордан Давлат бюджетига қайтариш чораларини кўради.

Меҳмонхона тоифаси пасайган тақдирда, инвестор ажратилган субсидиядан пасайган тоифа учун белгиланган миқдор ўртасидаги фарқни Давлат бюджетига қайтаради.

26. Инвесторлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

27. Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Хоразм вилоятида янги меҳмонхона қуриш
ва уни жиҳозлаш учун инвесторларга
Ўзбекистон Республикасининг Давлат
бюджетидан субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги вақтинчалик низомга
1-илова

**Хоразм вилоятида янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун
инвесторларга Давлат бюджетидан субсидия ажратиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Инвестор	Туризм қўмитасига субсидия олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали ариза тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Туризм қўмитаси	1. Аризани ўрганиб чиқади. 2. Субсидия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.	10 иш кунда, қўшимча ўрганиш талаб этилганда – 20 иш кунда 1 иш кунда
3-босқич	Инвестор	Субсидия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни олганда, қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни (маълумотларни) илова қилган ҳолда, Туризм қўмитасига такроран ЯИДХП орқали мурожаат қилади.	2 ойдан кўп бўлмаган муддатда
4-босқич	Туризм қўмитаси	1. Ариза такроран тақдим этилганда, уни қайта кўриб чиқади. 2. Субсидия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига субсидия ажратиш тўғрисида буюртманома юборади.	5 иш кунда 1 иш кунда
5-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Буюртманомани кўриб чиқади ва тегишли маблағларни Туризм қўмитасининг тегишли шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказди.	3 иш кунда
6-босқич	Туризм қўмитаси	Инвесторнинг тижорат банкидаги ҳисобварағига маблағларни ўтказиб беради.	5 иш кунда

Хоразм вилоятида янги меҳмонхона қуриш
ва уни жиҳозлаш учун инвесторларга
Ўзбекистон Республикасининг Давлат
бюджетидан субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги вақтинчалик низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги ҳузуридаги
Туризм қўмитасига

Субсидия олиш тўғрисида
АРИЗА

_____ (юрidik шахсни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ ариза берувчининг тўлиқ номи)

_____ (манзил, телефон, электрон почта)

_____ манзил бўйича рўйхатдан ўтган

_____ (рўйхатдан ўтиш рақами, санаси, гувоҳнома берган орган номи)

_____ манзилида жойлашган

_____ (вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино рақами)

меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан
субсидия ажратишингизни сўрайман.

Меҳмонхона хоналарининг сони: _____

Мувофиқлик сертификати олинган сана ва рақами: _____

Юридик шахснинг жойлашган почта манзили: _____

СТИР: _____

Электрон почта манзили: _____

Банк ҳисобварағи: _____

Илова: _____ варақда

_____ (ариза берувчининг лавозими, Ф.И.О.)

_____ (имзо)

20__ йил _____

